

**Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида 2024 йил I-ярим йиллиги
давомида коррупция фактларига доир муурожаатларни
кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги
ҲИСОБОТ**

Кон-геология вазирлигининг алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти” талаблари асосида жорий йилнинг I-ярим йиллиги давомида алоқа каналлари орқали коррупцияга оид 1 та муурожаат келиб тушган.

Хусусан, Жорий йилнинг апрель ойида фуқаро И.И. Баротовнинг ва “Ўзбекгеофизика” АЖ “Бухоро геофизика экспедицияси” филиали ишчи ходимлари томонидан муурожаатлар келиб тушган.

Мазкур муурожаатларда “Ўзбекгеофизика” АЖ “Бухоро геофизика экспедицияси” филиали раҳбарлигига “Ў.Ж.А.” келгандан кейин қариндош-уруғчилик авж олаётганлиги, шу жумладан молия ва бухгалтерия бўлимлари раҳбарларига ўзига яқин инсонлар қўйилганлиги натижасида ишга келмаётган ходимлардан пул олиш эвазига ноқонуний иш ҳақи ёзилаётганлиги, қора металл парчаларини йиғиш баҳонасида ҳар бир ходимдан бир килограми учун 2,5-3,0 минг сўмдан нақд пул маблағлари йиғилаётганлиги, манан эскирган авторанспорт воситаларини ҳисобдан чиқариб, сотиб юборилаётганлиги, филиалдаги товар моддий бойликлари талон-тарож қилинаётганлиги, автотранспорт воситаларидаги кузатиш мосламалари (GPS) қасддан ишдан чиқарилиб, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари талон-тарож қилинаётганлигини маълум қилишган.

2024 йилнинг 16-23 апрель кунлари ўтказилган хизмат текшируви давомида ишга келмаётган ходимлардан пул олиш эвазига ноқонуний иш ҳақи ёзилаётганлиги, қора металл парчаларини йиғиш баҳонасида ҳар бир ходимдан бир килограми учун 2,5-3,0 минг сўмдан нақд пул маблағлари йиғилаётганлиги, манан эскирган авторанспорт воситаларини ҳисобдан чиқариб, сотиб юборилаётганлиги, филиалдаги товар моддий бойликлари талон-тарож қилинаётганлиги, автотранспорт воситаларидаги кузатиш мосламалари (GPS) қасддан ишдан чиқарилиб, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари талон-тарож қилинаётганлигини тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиғини топмади.

Шу билан бирга, Бухоро геофизика экспедицияси” филиалида ўзаро яқин қариндош бўлган ходимларда потенциал манфаатлар тўқнашуви ва коррупциоген хавф-хатарлар аниқлаш бўйича “Ўзбекгеофизика” АЖга топшириқ хати юборилган.